Ушбу сонда:

2 «Ишонч» фош этади
ДАРОМАД СОЛИҒИНИ КИМЛАР ЯШИРАЯПТИ?

3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

4 Футбол
ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ ВАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 4 сентябр, сешанба №141 (1155)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 сентябр куни Оқсаройда Германиянинг «Сименс АГ» концерни бошқаруви раиси Хайнрих Пирер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

- Сиз билан мулоқотларимиз мунтазамлик касб этиб бормоқда, -деди учрашувда давлатимиз раҳбари. - Қайси йўналишда, қайси соҳада ҳамкорлик қилмайлик, ҳаммаси кутилган самарани бермоқда.

«Сименс АГ» билан ҳамкорлик 1994 йилдан буён давом этиб келяпти. Шу кунгача баҳоси 230 миллион Германия маркасига тенг бўлган 17 лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, концерн Ўзбекистонда телекоммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тоза ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш, тиббиёт муассасаларини замонавий техникавий воситалар билан таъминлаш ишларида фаол иштирок этди. Айни пайтда ҳаво алоқаси, энергетика каби соҳалар бўйича қиймати 183,2 миллион АҚШ долларига тенг яна бешта лойиҳа амалга оширилмоқда.

«Сименс АГ» делегацияси раҳбари Ўзбекистонда таълим тизими тубдан ислоҳ қилинаётганини инобатга олиб, концерн кадрлар тайёрлаш, ўқув муассасаларини замонавий даражада жиҳозлаш борасида ҳам ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини маълум қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан «Сименс АГ» ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Қозоғистонда ўтказилган муайтай бўйича Осиё чемпионатида иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси 4 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медални қўлга киритди.

МУАЙТАЙЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ҳамюртларимиз Эркин Қутибоев, Бахтиёр Аҳмедов, Фурқат Мусинов ва Жасур Нурмахматов Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди. Уларнинг шарафига Давлатимиз мадҳияси янгради ва Ўзбекистон Давлат байроғи кўтарилди.

- Биз ўз ғалабамизни Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаймиз, - деди журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда Эркин Қутибоев.

(ЎзА).

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗИ

Кексаларни йўқлаш, уларнинг дуосини олиш халқимизнинг азалий удуми. Куни-кеча Енгил мебель саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳам ушбу даргоҳда кўп йиллар самарали меҳнат қилган фахрийларни Мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан бир пиёла чойга таклиф қилди.

Айниқса, 20 йилдан ортиқ шу уюшма раиси бўлиб ишлаган Амина Алиеванинг 70 йиллиги фахрийлар даврасида нишонланиши тадбирга ўзгача шукуҳ бахш этди.

Тадбир сўнгида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Асқар ШОКИР, «Ишонч» мухбири.

Бунёдкорлик

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ҚУВОНЧ УЛАШГАН ОНЛАР

Амударё туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги уй бекалари мустақилликнинг ўн йиллиги байрами дастурхонига қўйилган пиширириқларни табиий газга уланган плиталарда тайёрлашди. Бунинг учун магистрал газ тармоғига 4,5 километрли қувурлар ўтказиш кифоя қилди.

Кейинги йилларда Амударё туманида қишлоқларни табиий газ билан кафолатли тарзда таъминлаш ишига астойдил киришилди. Айни пайтда тумандаги энг олис овулларда ҳам табиий газ ёна бошлади. Бунинг учун «Муборак-Газли-Нукус» бош магистралининг иккинчи навбатидан 19 километр узунликдаги газ қувурларининг Амударё узра тортилиши муҳим омил бўлди. Бугунги кунда туман аҳолисининг 95 фоизга яқини табиий газ хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

***

Хўжайли тумани «Қорақалпоғистон» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасидаги 410 хонадон аъзоларининг улуғ байрам арафасида қувончлари чексиз бўлди. Умумий узунлиги 4,5 километр бўлган қувур тортилиб, хўжаликка тоза ичимлик суви келтирилди. Бу муҳим ишни «Қорақалпоққурилиш» бирлашмаси қисқа муддатда сифатли қилиб амалга оширганидан овул меҳнаткашлари ғоят мамнун.

***

Мамлакатимизнинг ғарбий дарвозаси ҳисобланган Қўнғирот бозорининг довруғи довон ошган. Бу ерда қўшни Қозоғистон-у Туркманистондан, ҳатто олис Россиядан меҳмонлар ташриф буюриб, савдо-сотиқ қилиб кетишади. Шу боис олдинги деҳқон бозори талабга тўла жавоб бермас эди. Байрам арафасида фойдаланишга топширилган 140 ўринли янги деҳқон бозори эса айни муддао бўлди. Икката ёпиқ растадан ташқари 16 та повильон ҳам қурилиб, озиқ-овқат молларини сотиш ва харид қилиш учун барча имкониятлар яратилди.

Шунингдек, Қўнғиротнинг улгуржи бозорида ҳам намунали хизмат кўрсатиш учун қўшимча жиҳозлар ўрнатилди.

***

Байрам арафасида «Тўрткўлбарака» матлубот ҳиссадорлик жамияти хайрли ишни амалга оширди. Жорий йилнинг ўтган даврини 1 миллиард 100 миллион сўмлик миқдордаги савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш билан якунлаб, 50 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олган жамоа аъзолари Тўрткўл шаҳридаги «Янгиобод» ва Ибн Сино маҳаллалари болаларига ярим гектарни эгаллаган ўзига хос майдонча қуриб беришди. Олдинлари ташландиқ бўлиб ётган бу ерда жажжиларнинг ҳар хил ўйинлар ўйнаб, бўш вақтини самарали, шод-хуррамлик билан ўтказишлари учун зарур анжомлар келтириб ўрнатилди. Эндиликда шаҳар болаларининг футбол ва баскетбол бўйича спорт мусобақалари ҳам худди шу ерда ўтказиладиган бўлди.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

УЧ СМЕНАЛИ ЖАМОАДА

Мустақиллик байрами арафасида «Асака ёғ» очиқ турдаги акционерлик жамиятида янги цех ишга туширилди. Иккита узлуксиз линия тўлиқ қувват билан ишламоқда. Ушбу цехларда иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, уларнинг биттасида соатига 1300 та бир литрли идишда ёғ тайёрланса, иккинчисида кунига 10 тонна ёғ қайта ишланади.

Цехда 28 нафар киши меҳнат қилмоқда.

ТУРИЗМ ШАҲРИДА ТУРИЗМ КОЛЛЕЖИ

Кейинги йилларда Самарқандда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиийки, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи мутахассислар, таржимонларсиз соҳани ривожлантириш мушкул. Шу мақсадда шаҳарнинг Саритепа массивида туризм ва маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган касб-ҳунар коллежи ташкил этилди. Бу ерда олти йўналиш бўйича кадрлар тайёрланади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида ушбу коллежнинг муҳташам биноси фойдаланишга топширилди. 600 ўқувчига мўлжалланган билим маскани-да нафақат самарқандлик, балки сайёҳлик маркази ҳисобланган хивалик ва бухоролик йигит-қизлар ҳам таҳсил олади. Ушбу замонавий бино қурилишида «Самарқанд» уй-жой қурилиш акциядорлик жамияти бунёдкорларининг хизмати катта. Янгидан қурилган бу коллеж биноси давлат бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига бунёд этилди.

(ЎзА).

ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

Газетамизнинг шу йил 14 августдаги сонида «Касабақўм раиси нима сабабдан бир ярим йиллик иш ҳақини ололмай сарсон?» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Жалолқудуқ тумани тадбиркорлар касаба уюшма қўмитаси раиси О.Нурохуновнинг 1999 йилдан 2000 йилнинг 1 июлигача ишлаган даври учун иш ҳақини ололмай сарсон бўлиб юрганлиги, мутасадди ташкилотлар эса унга иш ҳақини беришни пайсалга солиб келаётганлиги танқид остига олинган эди.

Қуйида газетанинг ана шу чиқиши юзасидан олинган жавоб хати билан танишасиз:

— Мазкур мақола Марказий қўмита Раёсатининг шу йил 23 август куни бўлиб ўтган мажлисида атрофлича муҳокама этилди. Ҳақиқатан ҳам О.Нурохунов бир ярим йиллик ишлаган даври учун 71 минг 120 сўм миқдоридаги иш ҳақини олмаган. Буни кўра-била туриб мутасаддилар — А.Холматов ва М.Жамоловлар ходимларга меҳнат қонунларида белгиланган муддатда иш ҳақи бериш масаласига масъулиятсизлик билан ёндошганлар.

Раёсат йиғилишида, ишда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун А.Холматов ўз вазифасидан озод этилди. М.Жамоловнинг эса бошқа ишга ўтганлиги эътибор учун қабул қилинди.

О.Нурохуновга иш ҳақидан қарздорлик шу йилнинг сентябр ойида тўлиқ қопланиши кафолатланди.

Марказий қўмитанинг Раёсат йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тадбиркорлар касаба уюшма қўмиталарининг диққат-эътибори аъзолик бадаллари туширишни таъминлаш, ходимларга ўз вақтида иш ҳақларини бериб боришни назорат остига олиш, уларнинг ариза ва шикоятларини қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқишни амалга ошириш ишларини яхшилашга қаратилди.

Ч.ШОДИЕВ, Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Суверен Ўзбекистон тарихидаги шонли воқеа - Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллик юбилейи муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Мустақил ривожланишнинг тарихан қисқа даври ичида демократик ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида катта тараққиётга эришган олган қардош ўзбек халқининг ютуқларидан ғурурланамиз.

Ўзбекистон билан шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга Қозоғистонда муҳим аҳамият берилаётганини таъкидлаб ўтишдан ҳамда янги мингйилликда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканлигига ишонч билдиришдан бахтиёрман.

Имкониятдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва Ўзбекистон манфаатлари йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, бутун ўзбек халқига эса тинчлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва сиз орқали биродар Ўзбекистон халқини мустақиллик эълон қилинганининг 10 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Ўзбекистон истиқлоли тарихининг 10 йиллиги унинг халқи ғоят катта салоҳиятга эга эканлигини, истеъдоди ва меҳнатсеварлигини, донишмандлиги ва муносиб ўрнини яққол кўрсатди. Ҳозирги вақтда бундай сифатлар мустақил Ўзбекистоннинг муваффақиятларини, Сиз раҳбарлик қилаётган давлатнинг дадил одимларини белгилаб бераётган омил бўлиб қолди. Биз Туркманистонда ўзбек биродарларимиз билан биргаликда Ўзбекистоннинг эришган ютуқларидан қувонмоқдамиз, мамлакатингизнинг ажойиб келажагига ишонамиз.

Шу шонли кунда дўстлик, яхши қўшничилик, Туркманистон билан Ўзбекистонни асрлар мобайнида бирлаштириб келаётган мустаҳкам тарихий алоқаларга содиқлик икки томонлама муносабатларимизнинг тамал тоши бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу тамойиллар ҳамиша қардош халқларимиз ҳамда давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни белгиловчи омил бўлишига ишончим комил.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда масъулиятли ва кўп қирали фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон халқига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилайман.

Сапармурод НИЁЗОВ, Туркманистон Президенти

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан ғоят самимий қутловлар изҳор этишдан бахтиёрман.

Ўтган ўн йил мобайнида қардош ўзбек халқи Сизнинг раҳбарлигингизда давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йулида ҳайратланарли муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон обрўли ва масъулиятли давлат сифатида халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгалладики, унинг овозига жаҳон майдонида эътибор билан қулоқ солишади.

Биродар халқларимиз сурункасига уч йилдан буён халқаро террорчи тўдаларнинг Қирғизистон ва Ўзбекистон худудига бостириб кириш йўлидаги уринишларини елкама-елка туриб муваффақиятли даф этмоқда. Айни пайтда мамлакатларимизнинг суверенитети ва худудий яхлитлигига ҳеч кимнинг тажовуз қилишига йўл қўймаслигимизни бутун дунёга намойиш қилмоқдамиз. Биз бирга эканмиз, ҳеч қандай дағдаға ва таҳдидлар қўрқинчли эмас ва ўзимиз танлаб олган йўлдан қайтишга ҳеч ким бизни мажбур қилишга имкон бермаймиз.

Ишончим комилки, янги мингйилликда мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янада мустаҳкамланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шунингдек, оилангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига эса тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Аскар АКАЕВ, Қирғизистон Республикаси Президенти

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбек халқи учун мана шу унутилмас кунда ишонч билдириб айтмоқчиманки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида тарихан таркиб топган қардошларча дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари дўст давлатларимизнинг манфаатлари йўлида, шунингдек минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида бундан буён ҳам сифат жиҳатидан янги поғонада ривожланиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда серқирра ва самарали фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Имомали РАҲМОНОВ, Тожикистон Республикаси Президенти

Бугуннинг одамлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида қонунан мустаҳкамлаб қўйилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

МЕҲНАТ БОЗОРИ

ва унинг имконияти ёрдамида вилоятда 30 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди

Қашқадарё мамлакатнинг ишчи кучларига талаби ўсиб бораётган, иқтисодиёти ривожланган ҳудудларидан ҳисобланади. Республикамиз Президенти Ислом Каримов вилоятда бўлганларида, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, ишсизликнинг олдини олиш учун энг аввало раҳбарлар эътиборини малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратган эди.

Аҳолининг моддий фаровонлиги барқарор суръатда муттасил ўсиб боришини таъминлаш ва иқтисодиётни тобора эркинлаштириш шароитида аҳолини доимий иш билан банд этишга қаратилган дастурнинг ижроси, ижтимоий таъминотни ташкил этиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида энг оммавий жамоат ташкилоти касаба уюшмалари билан ҳамкорликда банкротга учраган, санацияга тушган, мулкчилик шаклини ўзгартирган корхоналарда бўшатилган ходимларни иш билан таъминлаш чоралари кўриляпти.

Йилнинг ўтган даврида дастурда иқтисодиётнинг барча тармоқларида12120 та янги иш ўринлари ташкил этиш белгиланган эди. Амалда 30742 та иш ўринлари яратилди ёки бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки бараварга кўпайди.

Иш ўринларининг 86 фоизи қишлоқ ҳудудларига, 49 фоизи эса иқтисодиётнинг аниқ йўналишига тўғри келади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида жиддий силжишга эришилди. Жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган иш ўринларида кичик ва ўрта бизнес ва якка тадбиркорлар томонидан барпо этилган иш ўринларининг салмоғи 80 фоизни ташкил қилди.

Меҳнат бозоридаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда ва Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги», «Деҳқон хўжалиги» тўғрисидаги қонунларига мувофиқ қишлоқ ҳудудларида 11892 та иш ўрни яратилди. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарздор субъектларнинг боқимандa қарзлари 30 фоизга қисқартирилиб, 51 та кичик ва ўрта бизнес тузилмаларига 130,6 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Кичик ва ўрта бизнесни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш мақсадида ўтган йили тадбиркорларга берилган кредитлар 5135,1 миллион сўмни ташкил қилди.

Вилоятга чет эл сармоялари кириб келди. Китоб туманидаги «Қиёт», Қарши туманидаги «Ражаб момо» каби фермер хўжаликлари Германиядаги фирмалар билан шартнома тузиб, мева, сабзавот маҳсулотларини қуритиш ва қадоқлаш кичик заводларини сотиб олиш лойиҳаларини амалга оширишга киришдилар. Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалигида Швейцария технологияси асосида сутни қайта ишлаш кичик корхонаси қурилиб, 20 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фермер-деҳқон хўжаликларида умумий иш ўринлари 13987 тага ортганлиги қишлоқ ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлаш даражаси тез ўсиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш жадал суръатларда ривожланди. Хизмат кўрсатиш тармоқларидаги янги иш ўринлари 14130 тани ёки 46 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давригa нисбатан икки баравар кўпдир.

Меҳнат муносабатларини қонун асосида расмийлаштириш, меҳнат бозори жараёнини мувофиқлаштириш «Бандлик» дастурида асосий ўринни эгаллайди. Жойлардаги меҳнат бўлимларига 15271 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этган эдилар. Уларнинг 10311 нафари ёки 68 фоизи халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. Қарши шаҳри ва туманларда ўтказилган «Бўш ўринлар ярмаркаси»да 800 нафардан ортиқ киши ишга юборилди. 2792 нафар фуқаро вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат юмушларига жалб қилинди. 503 киши касбга қайта ўқитилиб, иш билан таъминланди, 1644 фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди.

Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун корхона ва ташкилотларда ажратилган имтиёзли иш ўринларига 1572 фуқаро жойлаштирилди. Улардан 18 нафари ногирон, 54 нафари қамоқ жазосини ўтаб қайтганлар, 158 нафари кўп болали аёл, 1064 нафари ўртамахсус ўқув муассасаларини битирган ёшлар, 128 нафари ҳарбий хизматдан қайтганлар ва 50 нафари пенсия ёши арафасидаги кишилардир.

Вилоят меҳнат бозорининг имкониятлари кенг. Аҳоли зич жойлашган Чироқчи, Яккабоғ, Қамаши, Деҳқонобод каби ҳудудларда бекор юрган ёшлар бор. Шунинг учун бандлик хизматини такомиллаштириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар таълими сифатини ошириш, ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиш ва қисқартириш ҳолларига йўл қўймаслик, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш талаб этилади. Меҳнат ва бандлик бўлимлари касаба уюшмалари билан ҳамкорликда бу вазифаларни муваффақиятли адо этишларига шубҳа йўқ.

М.АЗИМОВ,
Қашқадарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи.

Ислоҳот инсон учун

ЭНГ ЧЕККА ҚИШЛОҚДА

ҳам зангори олов

80 га яқин миллат ва элатларни бирлаштириб турган қадим ва ҳамиша навқирон Бухоро қиёфаси мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Нефтни қайта ишловчи йирик корхонанинг айни Бухорода қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги тарихий воқеа бўлди. Энг мукаммал технологиялар асосида иш юритишга қодир пахта тозалаш заводлари, тўқув ҳамда йигирув корхоналари, жаҳон андозалари даражасида мармар тайёрлайдиган Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, энг сўнгги фан ютуқлари асосида дори-дармон ишлаб чиқараётган «Гуфик-Авиценна» корхонасининг маҳсулотларига талаб катта. Уларнинг бариси мустақиллик йилларида қад ростлагани ҳам фахр туйғусини уйғотади.

Вилоят марказидан тортиб, туманлар, ҳаттоки чекка қишлоқлардаги ўзгаришларни биргина сўз билан ифодалаш қийин. Бухоро тумани ҳам бунёдкорлик ишларининг марказига айланган.

— Туманимизда, - дейди туман ҳокими Негмурод Пўлатов, - ўнлаб миллат вакиллари худди бир оила фарзандларидек қўлни-қўлга бериб, астойдил меҳнат қилаётирлар.

Эътиборлиси шуки, ўн йил ичида туманда газлаштириш ишлари охирига етказилди. Энг чекка қишлоқларнинг хонадонлари ҳам табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Аҳолини ичимлик сувга бўлган талабини қондириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинди. Тахминан икки йил орасида бу иш ниҳоясига етказилади.

Бухоро туманининг фидойи кишилари катта тўйга муносиб меҳнат совғалари ҳозирлашди. Муҳаммад Аҳмедовни бугун бутун вилоят танийди. У узоқ йиллардан буён «Маданият» ҳиссадорлик жамиятига раислик қилиб келаётир.

Қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди, деганларидек узоқни кўзлаб иш юритган у бошлиқ жамоа ғолиблар сафидан ўрин олди. Ҳалол хизматлари эвазига жамият раиси кўксини «Шуҳрат» медали безади.

Айни пайтда «Маданият» нафақат туман, ҳатто вилоят бўйича ҳам ғолибликни қўлдан бермаётир. Йилига 7 минг тоннага етказиб пахта, 2 минг тоннадан ошириб дон, яна кўплаб бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Биргина иссиқхоналар ҳисобидан олинаётган даромад 20 миллион сўмдан кам бўлмаётир.

Меҳнатга яраша моддий манфаатдорликни янада оширишга қаратилган омиллар ўзини тўла оқлади. Бунга хўжалик тажрибасини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Гектаридан 60-65 центнердан пахта, 70 центнерга етказиб дон етиштиришнинг уддасидан чиқиб, йил охирида 5-6 миллион сўм соф даромад олаётган пудратчилар бор. Ш.Рамазонов, Д.Тиллаева, С.Тоғаевлар шулар жумласидан.

Айни чоғда бу ерда 300 нафарга яқин фермер, юзлаб деҳқон хўжаликлари, 800 нафардан зиёд якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритаётир. Кейинги икки йилда фермер бўлишни ихтиёр этиб, туман ҳокимлигига мурожаат қилганлар сони 200 нафардан ошди. Ҳокимлик тегишли комиссия аъзолари билан имкониятини ўрганиб чиқди ва 150 нафар тадбиркор талабини қондириш юзасидан қарор қабул қилди.

Туман ўрамида ўз фаолиятини изчил йўлга қўйиб, хориж билан алоқани кенгайтириб бораётган «Маданият»даги «Парвина» фирмасининг Исроил билан ҳамкорликдаги сутни қайта ишлаш заводи, «Галаосиё» ширкат хўжалигидаги «Сигма» масъулияти чекланган илмий ишлаб чиқариш жамияти, Галаосиё шаҳридаги пахтани қайта ишлаш заводи, Паррандачилик корхонаси, «Саховат» хусусий корхонаси, «Ойдин», «Шокир», «Беҳзод», «Фаттоев», «Боғдашобод», «Шукур», «Истиқлол» фермер хўжаликлари тилга тушиб бораётган жамоалардан.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши ҳужжатларида шундай сатрлар бор: «Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун қизиқиш ва рағбат уйғотишимиз керак». Чинданам ёшларда ишбилармонлик, ўқиш-ўрганишга интилиш кучайиб бораётир. Туманда ўн йилда 9 та янги мактаб қурилиб, 4240 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олиш учун имкон яратилди. Кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ҳомийлар кўмагида халқ таълими тизими олдида турган кўплаб муаммолар ҳал этилди. Фақатгина ўтган ўқув йилида 52 та умумтаълим мактабларига 39,2 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Туман марказида қад ростлаган замонавий касб-ҳунар коллежи ёшларнинг энг севимли маскани бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Бу ерда йигит-қизларга 6 ихтисослик бўйича сабоқ берилади. Ҳадемай, коллежда таҳсил оладиган ёшлар сони 450 тага етказилади.

Ёш авлод камолотини кўзлаб 29 мактабда шифокорлик, 47 тасида ҳамшира, 19 тасида эса стоматолог хизмати йўлга қўйилди. Ўндан ортиқ мактаб ва қишлоқларда қўшимча спорт майдончалари, теннис кортлари барпо этилди.

Кўп болали, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга йил сайин катта эътибор берилаётир. Ўтган йили 384 та оилага 14 миллион сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жорий йилда бу кўрсаткич 25 миллион сўмга етказилади.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Гулистон тикувчилик фабрикаси жамоаси бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. Ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар иқтисодиётни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётир.

Суратда: цех бошлиғи Зулфия Гайсина ҳамда чевар тикувчи Зуҳра Убайдуллаева маҳсулот сифатини кўздан кечиришаяпти.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» давлат дастурида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усулини шу йилнинг биринчи сентябридан қўллаш кўзда тутилган. Бу тадбир Халқ таълими вазирлиги томонидан «Осиё Ривожланиш» банки лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган.

ДАРСЛИК МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛДИ

Дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули Республикамизнинг 14 та туманида амалга оширилади. Жумладан, Дўстлик туманида ҳам. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 18 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 12768 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Барча мактабларнинг кутубхона фонди ўрганилиб, бойитиб борилаяпти. Кам даромадли оилалар фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг фармойиши билан маҳаллий бюджетдан 1 миллион сўм ажратилди. «Ўздавлаткитобсавдо» ташкилоти билан шартнома тузилиб, дарсликлар олиб келинди.

— Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули бўйича тажриба-синови ўтказилиши дастлабки кунларданоқ ўз самарасини бера бошлади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Жонузоқ Сойибов. — Ҳар бир мактабнинг банкда махсус ҳисоб рақами очилади. Айни пайтда барча ҳужжатлар тайёрланиб, расмийлаштирилмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандлари сони аниқланиб, уларни бепул дарсликлар билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Шу ўринда дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтсам. Энг аввало, оилалар, айниқса кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимояланади. Аввалари ота-она битта фарзандига барча дарсликларни китоб дўконларидан сотиб олиш учун 7-8 минг сўм сарф қиларди. Ижарага эса шу дарсликларнинг ҳаммаси учун бор-йўғи 1,5-2 минг сўм сарфлайди, холос. Яъни 4-5 баробар кам маблағ кетади. Ижара ҳақи банкларда ташкил этилган мактабларнинг махсус ҳисоб рақамларига нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ижара ҳақини тўлаган ва мактаб маъмурияти билан шартнома тузган ота-оналар мактаб кутубхонаси томонидан болаларига керакли дарсликларни бир ўқув йили муддатига ижарага олади. Ўқув тугагач, ўқувчилар ўзлари фойдаланган дарсликларни тоза ва озода ҳолда мактаб кутубхонасига топширадилар. Энг қулай томони шундаки, ота-оналарнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда дарсликларга ижара ҳақи ўқув йили давомида чораклар ёки ярим йиллик қилиб тўланиши ҳам мумкин.

Дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули бўйича туман халқ таълими бўлимида муайян ишлар қилинаётир. «Осиё Ривожланиш» банки мутахассислари ҳамда Британия Кенгаши ходимлари туман мактаблари директорлари ва кутубхоначилари билан амалий семинар кенгашлари ўтказиб туришибди. Бугунгача ана шундай семинарлардан 4 таси бўлиб ўтди. Ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Мактаб кутубхоналари кенгайтирилиб, жиҳозланаяпти. Кутубхоначилар малакаси оширилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, туманда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш муаммоси ижара усули шарофати ила ҳал бўлмоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Наманган: шу сонга хушхабарлар

ХАЙРЛИ ҚАДАМ

Вилоят давлат таъминоти улгуржи савдо бирлашмаси Чортоқ туманидаги «Гулшан» болалар дам олиш масканини таъмирлашга 60 миллион сўм маблағ сарфлади.

— Шу боис бу йил ёздa олти юз нафар бола мириқиб дам олди, — деди оромгоҳ директори Турғунпўлат Аҳмадалиев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу ерда тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳам имконият бор. Сентябр ойида нон ва нон маҳсулотлари цехи ишга тушади. Яна макарон цехи ҳам қурмоқчимиз. Мақсадимиз фарзандларимизга ҳам арзон, ҳам қулай шароитлар яратиб бериш.

ГУЛ БАЙРАМИ

Вилоят гулчилари «Бобур» номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган анъанавий гул байрамида ўзлари ўстирган 116 хил ажойиб гулларни намойиш этишди.

-Байрамда 170 дан ортиқ ташкилот ва корхоналарнинг гулчилари иштирок этишди, - деди истироҳат боғи директори Одилжон Каримов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Гулардан мустақиллигимизнинг ўн йиллигини шарафловчи манзаралар яратилди. «Гулчилар» мусобақасида «Нотўқимачи», «Атлас», ҳиссадорлик жамиятлари ва Наманган шаҳар халқ таълими ҳамда шаҳар коммунал хўжалиги жамоалари совринли ўринларни қўлга киритишди.

ЯНГИ КОРХОНА

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, айниқса, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис кейинги йилларда қўшма корхоналар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Тошкентнинг Ҳамза туманида иш бошлаган «Ромин Набизода» қандолат фабрикаси ҳам шулар жумласидандир.

Фабриканинг очилиш маросими ўзига хос байрам тусини олди. Сабаби низом жамғармаси қарийб бир миллион АҚШ долларига тенг бўлган бу корхонанинг ишга тушиш санаси энг улуғ ва энг азиз байрамимиз - мустақилликнинг 10 йиллик шодиёнасига тўғри келди.

- Мустақиллик берган имкониятлар туфайли биз халқимиз дастурхонининг тўкинлигига ҳисса қўшувчи бундай фабрикани қуришга мушарраф бўлдик, - дейди фабрика ижрочи директори Акмал Маҳкамов. - Америкалик ҳамкорларимизнинг кўмаги билан 200 минг доллардан ортиқ маблағга замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатдик. Эндиликда корхонамиз кунига 10 тоннадан зиёд 35 хил ширинликни халқимиз дастурхонига тортиқ этади.

(ЎзА).



Иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қарилик пенсияси ҳамда нафақаларни эгаларига ўз вақтида етказиб бериб, ўзаро тўлов тушумларини барқарорлаштиришда солиқ тизими мутасаддилари олиб бораётган саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади.

ДАРОМАД СОЛИҒИНИ КИМЛАР ЯШИРАЯПТИ?

"Ишонч" фош этади

Ана шу ишларнинг бекаму кўст бажарилишида айниқса, ишлаб чиқариш ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасида катта масъулият ётади.

Жумладан, тизимдаги мутасаддиларнинг саъй-ҳаракати натижасида жорий йилнинг олти ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100 фоиз солиқ йиғимлари келиб тушди. Бу — пенсия ва нафақаларни ўз муддатида эгаларига етказиб беришдан ташқари, туман иқтисодий салоҳиятини оширишга, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини янада ривожлантиришга имкон берди.

Бироқ шундай бўлсада, субъектларни ва ишлаб чиқариш корхоналарини солиққа тортишда айрим жузъий камчиликлар ҳам бор. Чунончи, ҳукуматимиз кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, улар фаолиятини такомиллаштириб, ортиқча аралашувларга чек қўйиб, тадбиркорларга шарт-шароитлар яратиб бераётганлигига қарамай, айрим тадбиркорлар амалдаги қонунларга риоя этишмаяпти. Яъни, даромадни яшириб, солиқ тўловларини ўз муддатида тўламаслик ҳоллари учраб турибди.

Шу кунгача солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан тизим ходимлари томонидан 180 та рейд ва таҳлиллар ўтказилди. Шундан 123 тасида меъёрий ҳолатлар бузилганлиги аниқланди ва катта миқдорда қўшимча солиқ ундирилди.

Албатта, бир қарашда юқорида келтирилган ана шу далиллар гўё ҳисоботга ўхшайди. Аммо жиддий ўйлаб кўрилса, айрим кишилар томонидан йўл қўйилаётган бундай хатоликлар тараққиётга тўғаноқ бўлмаяптимикин?!

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида туман солиқ назорати ходимлари амалдаги қонунларга кўра, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда уларга имкон даражасида ёрдам бериб, семинар-кенгашлар, ўқув кунлари ўтказмоқдалар, янги қонунлар мақсад, моҳияти билан таништириб борилаяпти. Гапнинг рости, тадбиркорлик қиламан, деган ҳар қандай киши учун ҳеч бир тўсиқ йўқ, дейилса муболаға бўлмайди.

Шундай бўлса-да, енг ичида, ўз манфаати йўлида қонунларни хаспўшлаётганлар ҳам топилади. Бир мисол. Тадбиркор А.Нўъмонов фаолияти таҳлил этилганда, унинг қарамоғидаги савдо дўконидан 2500 сўмлик акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулоти ва 6500 сўмлик спиртли ичимликлар ноқонуний сотилаётганлиги аниқланди.


Ёки фуқаролар Қ.Жўраев ва А.Абдуллаевлар хонадонида ноқонуний равишда яширинча цех очиб, дориланган чигитдан ўсимлик ёғи тайёрлаб келганлиги ва аҳолига сотаётганлиги фош этилди.

Асосий масала — корхона ва ташкилотларда дебитор ва кредитор қарзлар ҳамон сақланиб турибди. Мутасаддилар қарзларни муддатида узмаслик иқтисодиётимиз ривожига путур етказишини билсалар-да, негадир муаммони бартараф этишга шошилишмаяпти. Айни пайтда тумандаги 6 та ишлаб чиқариш ташкилотида муддати ўтган қарзлар мавжуд. Ҳуқуқ-тартибот органларининг бир неча бор огоҳлантиришларига қарамасдан, иш пайсалга солинганлиги сабабли 8 нафар мансабдор шахсга 196 минг сўм жарима солинди.

Бундай ҳолатлар қайта такрорланмаслиги учун ҳуқуқ идоралари ҳамкорлигида тижорат банклари, ташкилотларда ҳар ойнинг учинчи чоршанбасида ўзаро мулоқот кунлари ташкил этилди. Шунингдек, мутахассислар жойларда бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришаяпти. Кейинги икки ойлик таҳлиллар бу тадбир яхши натижа бераётганини кўрсатмоқда. Зеро, солиқ тўлови нафақат бюджетимизни мустаҳкамлаш, балки фаровонлигимизни таъминлашда ҳам муҳим омиллардан биридир.

Ғ.АБДУВОҲИДОВ,
Пискент туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.





Сўнгги йилларда Сурхондарё вилоятининг Узун туманида ажойиб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий қурилишлар ўзининг миллий архитектураси билан диққатга сазовордир. Яқинда бу ерда қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилганлиги барчани мамнун этди.

Суратларда: (чапдан) илм маскани бунёдкорлари — тажрибали мутахассислар, қурувчилар Н.Расулов, З.Жалилов, Б.Алимардонов; замонавий коллежнинг умумий кўриниши.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Сариосиёнинг катта қисми кенг адирлигу, бепоён тоғлардан иборат. Шу боис Охунбобоев номли ширкат хўжалиги 2600 гектар ерда ғалла ва пахта етиштириш билан бирга чорвани сақлаб колиб, бу борада ўзига хос мактаб яратган йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади.

ТАШАББУС ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА

Унинг ҳисобида 18 минг бош ҳисори қўй бор. 24 та отарга 220 нафар чўпон масъул. Уларнинг машаққатли меҳнати доимо эъзозланмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликда тузган жамоа шартномасига чўпон-чўлиқларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўзлаган махсус боблар киритилган. Хусусан, ҳар бир чўпоннинг ойлик маошига 50 фоиз қўшимча ҳақ, йил ўн икки ой бепул иссиқ овқат берилади. Ҳар бир отар чўпонларига палаткалар, от-аравалар ажратилган. Қиш фаслида ҳам шарт-шароитлар муҳайё этилади. Бундай ғамхўрликка Саъдулла Раупов, Ҳазрат Ниёзов, Бобоёр Муҳаммадов, Иқрор Камолов кабилар янада самарали ишлаш билан жавоб бермоқдалар.

— Ҳар йили қишки ва ёзги кийим-бош билан бепул таъминланамиз. Модомики, хонадонимизда тўй ва таъзиялар бўлганда 20 килограмм ўсимлик ёғи, 100 килограмм гуруч, 2 бош қўй ҳамда 15 минг сўм нақд пул берилади. Юбилейларимизни ҳам эсда қоларли қилиб ўтказиб беришади. Қарийб, 25-30 йилдан бери ишлаётган ҳамкасбларимизнинг электр энергия, ичимлик суви, табиий газ учун тўловлари ҳам хўжалик ҳисобидан қопланади. Шундай бўлгач, касбингни янада ардоқлашга ҳаракат қиласан-да, - дейди чўпон Аҳад Муҳаммадов.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Қарор ва ижро

Бу йил ёғингарчиликлар кутилганидек бўлмагани сабабли Амударё ўзанида сув кам бўлди. Натижада, дарёнинг қуйи қисмида жойлашган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси сув тақчиллигидан азият чекди. Буни ҳисобга олган ҳукуматимиз шу йилнинг июн ойида «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини қабул қилди. Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасида ушбу муҳим ҳужжат бандларини ҳаётга татбиқ этиш учун салмоқли ишлар қилинди ва қилинмоқда.

КРЕДИТ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

— Қарорда бизнинг зиммамизга ҳам бир қанча вазифалар юклатилган, — дейди «Пахта-Банк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Рўзимбой Қурбонов. — Хусусан, унда қишлоқ хўжалик корхоналарига, шу жумладан, сув тақчиллиги сабабли қишлоқ хўжалик экинлари ўстириш имкониятига эга бўлмаган фермер ва деҳқон хўжаликларига, жисмоний шахсларга илгари берилган кредитларни тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш тавсия этилган. Қарорнинг ана шу бандини бажариш учун ўтган олти ой ичида 451 та қарздорнинг 568,6 миллион сўмининг тўлаш муддатини бир йилга кечиктиришга қарор қилдик. Шулардан 49 нафари қишлоқ хўжалиги тизимида ишлаётган, 136 нафари деҳқон-фермер хўжалиги, 266 нафари эса хусусий тадбиркордир.

Бошқармада сув тақчиллигидан зарар кўрган туманларда янги иш ўринларини ташкил этиш учун кичик ва ўрта бизнес субъкетларига биринчи навбатда микрокредитлар ажратилмоқда. Масалан, шу ярим йилликда деҳқон ва фермер хўжаликларига 103 миллион 850 минг сўм кредит ажратилди. Хусусий корхона ва микрофирмалар учун берилган қарз миқдори эса 140 миллион 551 минг сўмга етди. Ваҳоланки ўтган йили бу рақам 102 миллион сўмдан сал ошганди. Хусусий тадбиркорларнинг 129 нафари банкдан 135 миллион 284 минг сўм қарз олиб, ишларини ривожлантирдилар.

Ўтган давр ичида банкда Вазирлар Маҳкамасининг бошқа қарорлари асосида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Мисол учун бошқармада дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Хусусан, туман бўлимларида бошқарма ходимлари иштирокида молиявий кунлар ўтказилиб турилади. Унда хўжаликлар ўртасидаги олди-берди қарзлари пухта ўрганилади ва бир кунлик кредитлар ажратилади. Бу маблағлар айланиб-айланиб банкнинг ўзига келиб тушади. Жорий йилда шундай тадбирнинг 17 таси ишлаб чиқилди. Натижада 1 миллиард 858,6 миллион сўмлик иқтисодий самарага эришилди.

Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш доимий назорат остига олинган. Тўлов қурбига эга бўлмаган истеъмолчиларга 15 фоиз пулни олдиндан тўламасдан маҳсулот бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатишга йўл қўйилмайди. Режага мувофиқ корхона ва ташкилотларда ҳисобот юритиш ишларининг аҳволи назоратдан ўтказилади. Буни рақамлар билан ифодалайдиган бўлсак, юқоридаги банк томонидан ўтган ойлар ичида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича 256 та корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилди. Натижада 15 та хўжалик юритувчи субъект бўйича қонунбузарлик аниқланди. Улар томонидан 23,2 миллион сўмлик товар маҳсулотлари олдиндан 15 фоиз ўтказилмасдан мижозларга жўнатилган. Ушбу камчиликлар бўйича материаллар чора кўриш учун солиқ идораларига йўлланди.

Касса режасини бажариш ва пул эмиссиясини қисқартириш бугунги кунда долзарб вазифалардан биридир. Чунки аҳолига берилган ойлик маош, пенсия, ёрдам ва бошқа пуллар банкка қайтиб тушмаса, бу эмиссия даражасини кўтариб юборади. Натижада инфляция юзага келади. Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, юқоридаги бошқармада бу борада талай ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўтказилган тадбирлар натижасида шу йилнинг 1 июлигача банк кассасига 8 миллиард 553,3 миллион сўм нақд пул туширилишига муваффақ бўлинди. Яъни режадагига нисбатан 2 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йиғиб олинди ва бу борадаги режа 116,2 фоизга бажарилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига техникани лизинг асосида бериш икки томонлама фойдалидир. Дейлик, жамоа, фермер хўжалиги у ёки бу техникага эҳтиёж сезиб қолди. Сотиб олай деса маблағи йўқ. Бу ёқда экин-тикин ёки уларга ишлов бериш муддати ўтиб кетаётир. Шунда у нима қилади? Албатта, қарзга бўлса ҳам керакли техникани сотиб олади. Катта даромад қилиб, қарзидан ҳам қутилади. Иккинчидан, банк ҳам ютади. Сабаби у бўш пул маблағи эвазига техника сотиб олиб, деҳқонга қарзга бериб туради. Лизинг хизмати учун йиллик фоиз ва кредитни босқичма-босқич қайтариб олади. Пул айланиши банкка яхшигина даромад келтиради. Буни ўз вақтида тушунган бошқарма мутахассислари «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси билан ҳамкорликда кўплаб ишларни амалга оширди. Бошқача қилиб айтганда шу кунгача 110 та қишлоқ хўжалик техникаси лизинг асосида деҳқонларга етказиб берилди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЯНА ПЕНСИЯ ХУСУСИДА

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: шу йил 54 ёшга кирдим. 5 йил институтда ўқиганман. 11 йил мактабда ўқитувчи, 6 йил боғчада тарбиячи бўлиб ишлаганман. 4 нафар фарзандим бор. Қолган даврларда бола тарбияси билан банд бўлиб, ишлай олмадим. 54 ёшдан пенсия тайинланишини сўраб туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этган эдим. Улар рад этишди. Шу тўғрими?

Р.ТУРСУНОВА,
Сергели тумани.

ЖАВОБ: ҳа, тўғри, чунки Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 121-модда билан тўлдирилган. Чунончи, Қонунда шундай дейилади: «Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи ушбу Қонуннинг 37-моддаси «а», «б», «в» ва «г»-бандларида назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар».

Энди юқорида айтиб ўтилган 37-модданинг бандлари ҳақида тушунтирадиган бўлсак:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишлаган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ёки ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъий назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги махсус алоқа органлари ва тоғ-кон қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан, якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият — Ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган тақдирда.

Юқорида кўрсатилган жойларда аёллар камида 20 йил меҳнат фаолияти билан шуғулланган тақдирда, уларга эллик тўрт ёшдан ёшга доир пенсия тайинланади. Сизнинг ушбу фаолиятингиз 17 йилни ташкил этган. Институтда ўқиган даврингиз Қонуннинг 37-моддаси «е» банди бўйича, болаларингизни тарбиялаган даврингиз Қонуннинг «ж»-банди бўйича эллик беш ёшга тўлганингизда умумий иш стажига қўшиб ҳисобланиб ва 55 ёшдан сизга ёшга доир пенсия тайинланади.

Агар, Сиз Қонуннинг 37-моддаси «а», «б», «в» ва «г»-бандлари бўйича 20 йил меҳнат стажига эга бўлганингизда, ушбу модданинг «е», «ж»-бандларидаги фаолият даврингиз ҳам албатта иш стажига қўшиб ҳисобланган бўлар эди.



САВОЛ: мен 1992 йилдан буён 1-гуруҳ касб касаллиги ногирониман. Ҳар йили Тошкент илмий текшириш, касб касалликлари институтига даволаниш учун бориб тураман. Фарғона Газ сув қурилиш бошқармаси менга ҳар ойда товон пули тўлаб келади. Лекин дори-дармон, йўл харажатларига ёрдам берищмаяпти.

Умуман, корхона товон пулидан ташқари яна қандай тўловлар тўлаши керак?

Анваржон ДАДАЖОНОВ,
Данғара тумани, Найманча қишлоғи.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралда 48-сонли қарори билан «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тўғрисида»ги қоиданинг III-бўлим 21-қисмида жабрланувчининг санаторий-курортда даволанишга муҳтожлиги ҳақида ДМЭК хулосаси мавжуд бўлган тақдирда унга, ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари, даволаниш учун қўшимча таътил берилади. Даволаниш учун берилган таътил вақти учун тўлов ҳар йилги таътил тўлови учун белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Даволаниш давридаги зарарни тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Жабрланувчи, шунингдек, уни кузатиб борувчи шахснинг йўл кира харажатларини тўлаш миқдори хизмат сафари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Ёрдамнинг бир нечта турларига муҳтож бўлган жабрланувчига ёрдамнинг ҳар бир турини олиш билан боғлиқ харажатлар тўланади.

Юқорида айтиб ўтилган қоиданинг III-бўлим 20-қисмида қўшимча харажатлар миқдори тегишли ташкилотларнинг счётлари ва бошқа ҳужжатлар асосида ёхуд жабрланувчи томонидан ушбу харажатлар қилинган вақтдаги нархларга мувофиқ аниқланиши белгиланган.

Махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган жабрланувчилар учун қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида белгиланади.

Уй шароитида парвариш қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Шунингдек, ҳам махсус тиббий, ҳам уй шароитида парваришга муҳтож бўлган жабрланувчига уй шароитидаги парвариш билан боғлиқ харажатлар махсус тиббий парвариш харажатларига қўшимча равишда тўланади.

Жабрланувчини парвариш қилиш учун қўшимча харажатлар, уларнинг ким томонидан амалга оширилишидан қатъий назар, тўланади.

Махсус транспорт воситаларини сотиб олиш ва уларни асосли тузатиш учун харажатлар уларнинг қиймати доирасида тўланади.

«Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тўғрисида»ги қоиданинг III-бўлим 21-қисмида жабрланувчининг санаторий-курортда даволанишга муҳтожлиги ҳақида ДМЭК хулосаси мавжуд бўлган тақдирда унга, ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари, даволаниш учун қўшимча таътил берилади. Даволаниш учун берилган таътил вақти учун тўлов ҳар йилги таътил тўлови учун белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Даволаниш давридаги зарарни тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Жабрланувчи, шунингдек, уни кузатиб борувчи шахснинг йўл кира харажатларини тўлаш миқдори хизмат сафари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ

Гулистонда мустақилликнинг 10 йиллик байрами нишонланаётган шу кунларда Оналар ва болалар боғи очилди. Ушбу ноёб мажмуани қуришда Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳрининг энг яхши бунёдкорлари ҳамда лойиҳачилари иштирок этди. Янги боғ қурилишига вилоят марказининг корхона ва фирмалари ҳомийлик қилди.

Боққа кираверишдаги улкан дарвозани халқ эртакларининг қаҳрамонлари қўриқлаб турибди. Эртаклар шаҳарчаси ҳудудида қўплаб аттракционлар мавжуд. Болалар кувончининг чеки йўқ, чунки бу ерда ҳамма нарса улар учун яратилган.

(ЎзА).

«ЖАЙХУН»ГА МАРҲАМАТ!

Сиҳатгоҳимиз Амударё ёқасида жойлашган. У дарёмизнинг эски номи билан аталади. «Жайхун» 50 ўринли сиҳатгоҳ ва 100 ўринли болалар оромгоҳидан иборат. Масканда шифобахш сув бўлиб, унда дунёга машҳур Трускавец суви таркибидаги барча минераллар мавжуд. У 876 метр чуқурликдан насослар ёрдамида тортиб олинмоқда. Оромгоҳга вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси муассислик қилиб, ўз вақтида маблағ билан таъминлаб турибди. Дам олиб, даволанувчилар учун барча шароитлар яратилган. Сув ҳавзаси, спорт мажмуи, кутубхона, ёзги кинотеатр, концерт зали, дам олиш хоналари улар ихтиёрида. Ҳозирда 49 нафар киши, 180 нафар ўқувчи дам олиб, даволанишмоқда.

Абдурасул ДАВЛАТОВ,
«Жайхун» сиҳатгоҳи директори.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Яшаш шароити яхши, даромад манбаи доимий бўлган хонадонда тинчлик, тотувлик барқарордир. Шунинг учун ҳам Президентимиз ва ҳукуматимиз қишлоқ жойларидаги ҳар бир оиланинг уй-жойи, ўз томорқа ери бўлишига алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас.

ЭҲТИЁЖДАН ОРТГАНИ БОЗОРГА

Ширкатимиз тумандаги катта хўжаликлардан бири. Унинг ҳудудида 21 та қишлоқда қарийб 17 минг аҳоли яшайди. Йиллик демографик ўсиш 6-7 фоизни ташкил этади. Кейинги тўрт йилда 450 дан зиёд оилага уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилди. Фақат шу билан чекланиб қолмадик. Касаба уюшмаси билан тузилган жамоа шартномаси бандларга биноан якка тартибда уй қураётганларга хўжалик ҳисобидан имкон қадар ёрдам берилаяпти. Масалан, ўтган йили 18 оиланинг ҳар бири 2 тоннагача цемент, 25 оила эса 2 метр кубгача иморатбоп ёғочни бепул олди. Бу тадбирлар маҳалла оқсоқолтакрорий экин экувчиларга ажратилади. Кузги ғалла экиш давригача одамлар бу ерлардан унумли фойдаланишади. 0,1-0,2 гектар қўшимча бериладиган бу жойлар хўжалик аъзоларининг, кам таъминланган оилаларнинг, тиббиёт ва халқ таълими ходимларининг моддий аҳволини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Деҳқончилик қилувчиларга хўжалик томонидан техника, уруғ, сув масаласида ёрдам кўрсатилади. Қисқа вақт, яъни 2-3 ойда ўртача 100-150 минг сўм, баъзан 200 минг сўмгача даромад олаётган одамлар кўпчиликни ташкил этади. Мурод Неъматов, Абдумажид Ҳамидов, Малик Абдиёров, Суюнбой Эрматовлар хонадони шулар жумласидандир. Меҳнати билан турмушини яхшилаётган бундай кишилардан ибрат олса арзийди. Президентимиз Фармонларининг амалда рўёбга чиқаётганини мана шу жабҳада яққол кўриш мумкин.


Ҳ.САТТОРОВ,
Тойлоқ туманидаги «Боғизағол» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

КАДРЛАР МАСКАНИ

Хатирчи туманининг Аҳмад Ёрлақабов номидаги ширкат хўжалиги марказида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Байрам арафасида иш бошлаган янги билим масканида 350 ўқувчи таълим олади. Бу йирик иншоотни тумандаги 14-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари бунёд этди. Коллеж қурилишига 420 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Замон талабига мослаб қурилган коллеж ўқув анжомлари, компьютер ва лингафонлар билан таъминланди. Қишлоқ ёшлари шинам хоналарда билим олиш, ҳунар ўрганиш билан бирга спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имкониятига ҳам эга бўлди. Эндиликда тадбиркорлар, деҳқон-фермерлар, иқтисодчи, механизатор, қурувчилар шу ернинг ўзида тайёрланади.

(ЎзА).



Кеча республикамизнинг барча мактабларида биринчи қўнғироқ янгради. Барча қулайликлар яратилган шинам илм масканлари ўғил ва қизларни ўз бағрига олди. Мамлакатда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани ўзининг кутилган натижаларини бермоқда. Буни Чирчиқ шаҳридаги 13-ўрта мактаб мисолида ҳам кўриш мумкин.

Суратларда: биринчи қўнғироқ қувончи.

Ш.АКРОМОВ олган суратлар.



Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти шу номдаги шеърлар тўпламини чоп этди.

«ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМИ»

Халқимиз энг асл фарзандларининг озод юрт, ҳур ҳаёт ҳақидаги орзулари ушалиб, истиқлолга эришилганлигининг ўн йиллигига бағишлаб нашр этилган ушбу китобдан мустақиллик йилларида баракали ижод қилаётган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ибройим Юсупов, Ҳамид Ғулом, Ойдин Хожиева, Саъдулла Ҳаким, Сирожиддин Саййид, Абдували Қутбиддин сингари турли авлод вакилларининг Истиқлолга садоқат, Ватанга муҳаббат ва буюк келажакка ишонч туйғулари уфуриб турган шеърлари ўрин олган.

Миллий қадриятларимиз

ҚАТИМЛАРИ ТИЛЛОДАН

Бахтли ва шодиёна кунларда кийиладиган саруполару зардўзи дўппилар, ял-ял қийиқчалар, бухоройи тўнлар, қатимларига кўз нури синган келинлар кўйлаклари... Аждодларимиздан қолган миллий қадриятлар ва урф-одатларни тиклаётган, ипаклари тиллойи кийим-кечаклар тикаётган косонлик ҳунармандларнинг моҳирлигига таҳсинлар айтасан киши.

Туман «Тадбиркор аёллар» уюшмасининг ижрочи директори Розия Холиқованинг таъкидлашича, уюшма ишбилармон хотин-қизлар меҳнатини қадрлаш, ижодий қобилиятларини, ташаббускорликларини рағбатлантириш борасида бир мунча ишларни амалга оширмоқда.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Йигирма беш ёшли Оқила Ўринова хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Бундан беш йил муқаддам «Бизнес-Фонд» орқали «Зингер» тикув машинаси олиб иш бошлаган эди. 1992 йилда Бухорога бориб таниқли усталардан зардўзлик касбининг сир-асрорларини ўрганди.

Ҳозир шаҳар марказида зардўзлик устахонаси ва гўзаллик салони очган. Ўндан ортиқ қизга касб ўргатаяпти. Келин-куёвлар учун тўй либослари, миллий каштачилик ва зардўзлик буюмлари тикади.

Оқила ҳақиқатан ҳам оқила аёл. Турмуш ўртоғи Шомурод Нормуродов ҳам зардўзлик билан шуғулланади. Ҳатто 8 ёшли қизи Сарвиноз, 5 ёшли ўғли Анвар ҳам зардўзлик касбларини ўрганмоқда. Шогирдлари Элмира Нуруллаева, Сожида Турдиева, Фотима Саъдуллаева кабилар тиккан кийим-кечаклар, кўзларининг нурини бериб тайёрлаган саруполар келин-куёвларга маъқул тушмоқда

Оқила Ўринова туман «Тадбиркор аёллар» уюшмасининг раиси. Унинг таъкидлашича, Косонда ишбилармон аёллар жуда кўп. Мудин қишлоғидан Мели Ҳайитова бошлиқ «Чевар» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида 15 нафар тикувчи ишлайди. Мели опанинг тадбиркорлиги туфайли корхона қисқа муддатда «Бизнес-Фонд» дан олган 3 миллион сўмлик қарзини узди.

Шаҳардаги хусусий врачлик қабулхонаси мудири Рисолат Эргашева, «Сурхон» фермерлар уюшмаси фермери Меҳри Дониёрова, «Навбаҳор» маҳалласида ишлаётган Тамара Усмонова, «Қуйибоғ» маҳалласида очилган зардўзлик цехи устаси Гулшод Бозорова, шаҳардаги гинекология хусусий шифохонаси мудираси Гулшод Умарова сингарилар ҳам миллий қадриятларимизни тиклаш, фуқароларга намунали хизмат кўрсатиш йўлида самарали ишламоқдалар.

Тадбиркор аёлларнинг кўзларига боқаман. Бу кўзларда оналик туйғуси, фарзандларга меҳр-муҳаббат ва ватанга садоқат уйғунлашиб кетган.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Тўёна

БАРЧАГА БИРДЕК ФОЙДАЛИ

Мустақиллик меваси бўлган Ички ишлар вазирлиги Академиясининг олимлари ҳам Президентимиз таъкидлаганидек, «тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши — жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожи ҳақида махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётлар яратиш зарурлигини дил-дилдан ҳис қилган ҳолда муҳим ишга озми кўпми ҳисса қўшяпти.

Академия олимлари, профессор-ўқитувчилари қаламига мансуб «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» (1-жилд), «Халқаро ҳуқуқ», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ» (ўзбек ва рус тилларида), «Жаҳон конституциялари» кўп жилдлигининг ўзбек тилидаги биринчи жилди каби бир қатор китоблар жамоа жорий йилда амалга оширган ишларнинг бир қисми, холос.

Мамлакатимиз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлига киргач, юртдошларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини юксалтириш даврнинг қатъий талабига айланди. Ҳуқуқий-давлат қурилишининг моҳиятини, мақсад ва вазифаларини англаб етишга интилиш, ҳуқуқ ва қонунчилик тармоқлари ривожланишидаги устувор тамойиллар мағзига етиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Давр талабини тўла идрок этган Академия олимлари ўз олдиларига миллий ғоя ва истиқлол мафкураси, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш амалиёти турмушимизга олиб кирган кўплаб ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий категорияларни ўзида жамлаган юридик энциклопедия яратишни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Ўзбек тилида биринчи марта кенг қамровли юридик энциклопедияни яратишдек масъулиятли ишга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва иқтисодчи олимлари бел боғладилар. Натижада, жуда қисқа муддат ичида ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришдек муҳим вазифани адо этишга сафарбар этилган энциклопедик луғат юзага келди.

Жаҳон юриспруденцияси ютуқлари билан ўзбек ҳуқуқшунослиги ва қонунчилиги эришган салоҳият уйғунлашган ушбу қомусда айниқса, истиқлол даврида қарор топган давлат — ҳуқуқий иборалар, демократик институтлар, қадриятлар, сиёсий воқелик ва тушунчалар билан бир қаторда мусулмон ҳуқуқи тармоқларига оид институтлар ҳамда иборалар ҳам жамлаб тавсифланган.

Қомусда киритилган ҳар бир мақолада таъриф этилаётган ибора унинг этимологик (луғавий) келиб чиқиши, қайси соҳаларда кенг тарқалганлиги ва қўлланилиши, Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий тизимларида, шунингдек, миллий қонунчилигимизда қай даражада ўз ифодасини топганлиги нуқтаи назаридан баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг шаклланиш ва фаолият кўрсатиш тартиби, Ўзбекистон фуқаросининг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари каби қатор тушунчалар акс этган мазкур қомус нафақат мутахассислар учун, балки кенг китобхонлар ҳамда сиёсат, давлат ва ҳуқуқ масалаларига қизиқувчи барча учун бирдек фойдалидир.

Темир ҚУРБОН.

ҚУВНОҚ СПЕКТАКЛ

Республикамиз театрлари янги ижодий мавсумга катта тайёргарлик кўришмоқда. Ўзбекистон Давлат рус академик драма театри ҳам ўз мухлисларини мамнун этиш ниятида қатор асарларни саҳналаштиради.

Театрнинг шу 67-ижодий мавсумида саҳна юзини кўрадиган спектакллар ранг-баранг бўлиб, турли мавзуларга бағишланган. Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишлаб кўрсатиладиган янги постановка тайёр бўлди ҳисоб.

Саҳна усталари Гоголь асарларига ҳам мурожаат этиб, ўз репертуарини бойитади. Шундан сўнг «Ғийбат мактаби» деб номланган пьеса саҳнага олиб чиқилади.

Ўзбек драматурги Иброҳим Содиқов пьесаси асосида «Насриддиннинг беш хотини» деган қувноқ спектакл ҳам томошабинларга тақдим этилади.

Италия драматурги Николло Макиавеллининг «Мандрагора» деган комедиясини саҳналаштириш устида ҳам қизғин иш бошлаб юборилди.

Янгилик

ТУРК АВТОБУСИ ТОШКЕНТДА

Туркияда ишлаб чиқарилаётган транспорт воситалари орасида «Мерседес-Бенц - Тюрк АШ» русумли автобуслар алоҳида ажралиб туради. Йўловчилар учун жуда қулай, кўпчилик сиғадиган ҳамда мустаҳкам бўлган бу хил автобуслар Ўзбекистонга ҳам етказиб берила бошланди. Унинг айрим намуналари тошкентлик транспортчилар томонидан тажриба-намуна синовидан яхши ўтди.

Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси билан «Мерседес-Бенц - Тюрк АШ» компанияси ўртасида тузилган шартномага биноан шу яқин орада бу русумли янги автобуслардан 300 таси республикамиз пойтахтига юборилади. Бундан ташқари, компания 73 миллион АҚШ доллари қийматидаги эҳтиёт қисмлар ва турли жиҳозларни ҳам етказиб беради.

Шу муносабат билан компания делегацияси Тошкентга ташриф буюриб, ўзаро келишув шартларини адо этиш билан боғлиқ муҳим тадбирларни белгилади.

Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари

Албатта, ҳар қандай муаммони ўзинг ечганингга нима етсин. Чамаси, қарийб бир ҳаводан нафас оладиган қўшнилари Жанубий Корея ва Японияда 2002 йилда бўладиган футбол базмига боришни ният қилган чин-мочинликлар юқоридагича фикрда тўп суришга аҳд қилган кўринадилар.

ЭНДИ УМИД ЎЗИМИЗДАН

Биринчи учрашувни ўз майдонларида ўтказиб, БАА устидан тўла устунликни таъминлаган Хитой терма жамоаси Уммонда ҳам бўш келмади. Уюшқоқликда амалга оширилган ҳимоя ва ранг-баранг тарзда уюштирилган ҳужумлар самарасини берди. Ҳисоб — 2:0. Бу ғалаба Милутинович шогирдларига муҳим уч очко келтириш билан бир қаторда, бошқа жамоалар мураббийлари учун ечиш анчайин осон бўлмаган жумбоқни кўндаланг қилиб қўйди. Энди бу масалани бир ёқли этмай туриб Жаҳон чемпионати тўғрисида ўйлаш қийин бўлиб қолди. Савол эса битта: Хитойни ким тўхтата олади?

Биз Уммонга умид қилгандик. Ҳар қалай иқлимдаги кескин фарқ, қолаверса, араб футболига хос ўйин ичидаги «ўйин»лар қўл келиши кўзда тутилган эди. Хитой энди навбатдаги учрашувни сафарда Қатар билан ўтказади. Шубҳасиз, бу матч кўп нарсага ойдинлик киритиши мумкин. Агар қатарликлар Бирлашган араб амирликлари дарвозасига жавобсиз икки тўп киритиб, турнир жадвалида иккинчи ўринга кўтарилиб олганликларини назарда тутадиган бўлсак, хитойликлар катта довонга дуч келишлари эҳтимолдан узоқ эмас.



Хуллас, бизнинг умид ва тахминларимиз Ўзбекистон терма жамоаси тренери Владимир Сальков учун яна ҳам тушунарлидир. Чунки у биз зикр этган ўйинларни бевосита кузатиш ва келгуси учрашувлар тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш ниятида Форс кўрфази соҳилларига жўнаб кетган эди. Кўрамиз, у қандай хулосалар билан қайтди экан? Ҳар ҳолда 8 сентябрда Уммон терма жамоаси билан бўладиган баҳсда бу кузатишларининг илк натижаларидан баҳра топамиз, деган умиддамиз.

Гуруҳдаги вазият эса ҳозирча қуйидагича тус олди:

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Хитой	2	2	0	0	5:0	6
2. Қатар	3	1	1	1	3:2	4
3. БАА	3	1	0	2	4:6	3
4. Ўзбекистон	2	1	0	1	3:5	3
5. Уммон	2	0	1	1	0:2	1

Дўстлик туманида каратэ гуруҳи ташкил этилди. Унда 65 нафар ёшлар иштирок этмоқда. Моҳир мураббий Учқун Сафаров ўз шогирдларига каратэ сир-асрорларини қунт билан ўргатмоқда. Гуруҳ аъзолари вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турнирларнинг фаол иштирокчиси. Масалан, Гуля Идрисова икки марта республика чемпиони бўлди. Жасур Абдуллажонов ҳам олтин медал соҳиби. Бундан ташқари, ўнлаб кумуш ва бронза медал шодалари қўлга киритилди.

Суратда: машғулот пайти.

Н. БЎРИЕВ олган сурат.

Андижонлик болажонларга Оналар ва болалар йилида ажойиб совға тухфа қилинди. Бу ерда болалар боғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур боғ деярли қайта ташкил топди - унинг майдони икки баравар кенгайтирилиб, 5 гектарга етди.

МУНОСИБ СОВҒА

Боғни барпо этишда вилоятнинг 46 та қурилиш ва монтаж корхонаси иштирок этди ва катта ҳажмдаги ишларни амалга оширди. Боққа тутташиб кетган эски уйларда яшовчи аҳоли эса янги хонадонларга кўчиб ўтди.

Янги майдонда қисқа вақт ичида гулзорлар, фавворалар ва аттракционлар ташкил қилинди. Андижон шаҳри меъморлари томонидан яратилган бу масканга болаларнинг дунёқарашига мос бўлган афсонавий эртаклар, романтизм руҳи сингдирилган.

(ЎзА).

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2824. 1 2 3 4 5 6